

№ 12-01/44
12.05.2026 й.

"ТАСДИҚЛАЙМАН"

Навоий вилояти ҳокими,

Одам савдосига қарши курашиш ва
муносиб меҳнат масалалари бўйича
худудий комиссия раиси



Н.Турсунов

2026 йил " 5 " май

Одам савдосига қарши курашиш ва муносиб меҳнат масалалари бўйича худудий комиссияси йиғилишининг БАЁННОМАСИ

2026 йил 4 май

Навоий шаҳри

Раислик қилувчи: М.Т.Мамадиярова - вилоят ҳокими ўринбосари, оила ва хотин-кизлар бошқармаси бошлиғи.

Қатнашганлар: Ф.Ф.Эшматова - Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) - Одам савдосига қарши курашиш ва муносиб меҳнат масалалари бўйича Миллий комиссия аъзоси, вилоят Одам савдосига қарши курашиш ва муносиб меҳнат масалалари бўйича комиссияси ва ишчи гуруҳ аъзолари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар раҳбарлари, корхона, ташкилот ва муассасалар раҳбарлари, шаҳар ва туманлар ҳокимлари комиссия аъзолари (видеоконференцалоқа орқали)

КУН ТАРТИБИ:

Одам савдосига қарши курашиш ва муносиб меҳнат масалалари бўйича вилоят худудий комиссияси ва унинг таркибидаги кичик комиссияларнинг 2025 йил давомидаги фаолиятини яқунлари ҳамда комиссия томонидан 2026 йил давомида амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифалар тўғрисида

(М.Мамадиярова, Ф.Эшматова, Х.Пўлатов, Л.Хайруллаев, Н.Сафаров, Н.Тогаева, Р.Ҳайитова, З.Душанова, Ф.Эшматова, М.Мамадиярова.)

Йиғилишни вилоят ҳокими ўринбосари М.Мамадиярова кириш сўзи билан очиб, кун тартибидаги масалалар ҳамда регламент талаблари билан йиғилиш иштирокчиларини таништириб ўтди.

Шунингдек, Одам савдосига қарши курашиш ва муносиб меҳнат

масалалари бўйича вилоят ҳудудий комиссияси ва унинг таркибидаги кичик комиссияларнинг 2025 йил давомидаги фаолиятини яқунлари бўйича маълумотлар ўқиб эшиттирилди.

Хусусан, тарғибот йўналишида вилоятнинг барча туман ва шаҳарларида аҳоли, айниқса ёшлар ва хотин-қизлар ўртасида ноқонуний меҳнат миграцияси ва одам савдосининг аянчли оқибатларини тушунтиришга қаратилган 392 дан ортиқ тарғибот тадбирлари, давра суҳбатлари ва учрашувлар ташкил этилди.

Мониторинг йўналишида ишлаб чиқариш, қурилиш ва хизмат кўрсатиш соҳаларидаги хўжалик юритувчи субъектларда мажбурий меҳнатга йўл қўймаслик ҳамда меҳнат муҳофазаси қоидаларига риоя қилиниши юзасидан тизимли мониторинг тадбирлари ўтказилди.

Ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича Одам савдосидан жабрланган ёки хорижда оғир вазиятга тушиб қолган 14 нафар фуқаро вилоятга қайтарилиб, уларга ижтимоий, ҳуқуқий ва психологик ёрдам кўрсатилди, уларнинг бандлиги таъминланди.

Шундан сўнг, Миллий комиссия аъзоси Ф.Ф.Эшматова сўзга чиқиб, сўнгги йилларда мамлакатимизда одам савдосига қарши курашиш, ундан жабрланганларнинг ҳуқуқларини таъминлаш, меҳнат соҳасидаги миллий қонунчиликни халқаро стандартлар ва замонавий талаблар асосида янада такомиллаштириш масалаларига алоҳида тўхталиб ўтди.

Миллий комиссия аъзоси Ф.Ф.Эшматова томонидан 2025 йилда одам савдосига қарши курашиш ҳамда меҳнат қонунчилиги соҳасига доир маълумотлар билан йиғилиш иштирокчиларини таништирилди.

Хусусан, 2025 йилда 24 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат (7 та қонун, 3 та Президент Фармони ва 4 та Президент қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 10 та қарори) қабул қилинди. Статистик маълумотларга кўра, 2025 йилда 372 та мурожаат келиб тушган бўлиб, шундан 178 та (47,8%) ҳолатда жиноят иши қўзғатилган. Айбланган шахсларнинг 170 таси (ёки 80,9%) аёлларни ташкил қилган ташкил қилган. Кўринмоқдаки, аёллар нафақат асосий жабрланган шахслар, балки жиноятчи деб топилаётган шахсларнинг аксариятини ташкил қилмоқда. Чақалоқ савдоси бўйича ҳам жиноят ишлари юқори кўрсаткичларга эга эканлиги таъкидланди. 2025 йилда 32 та жиноят иши қўзғатилган.

Ушбу кўрсаткичлар эса хотин-қизлар билан ишлашда алоҳида эътибор қаратилишини тақозо этмоқда.

Республика миқёсида Навоий вилоятида 10 та одам савдоси билан боғлиқ жиноят фош этилган. Ушбу кўрсаткич ҳар 100 минг кишига ҳисобланганда, деярли 1 та жиноятга (0,91) тўғри келмоқда. Бу ўз навбатида аҳоли билан ишлаш тизимини, ҳуқуқий маданият ҳамда превентив чораларни кучайтириш зарурлигини кўрсатмоқда. Меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида 2025 йилда 27,7 мингдан ортиқ мурожаатлар кўриб чиқилди (2024 йилда 21 мингдан ортиқ), мурожаатларнинг 17,7 мингтаси қаноатлантирилди, 8,8 мингдан ортиғи бўйича ҳуқуқий тушунтиришлар берилди. Мурожаатларнинг мазмуни бўйича бўйича энг кўп учраган масалалар: иш ҳақи ва бошқа тўловларни тўламаслик – 48 % (13 355 та), меҳнат шартномасини тузиш ва бекор қилиш – 16 % (4 652 та), меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари

билан боғлиқ ҳолатлар – 4 % (1 100 та). Соҳалар кесимида энг кўп қонун бузилиши ҳолатлари мактабгача таълим ташкилотларида – 35 % (16 246 та), қурилиш соҳасида – 9,2 % (4 302 та), тиббиёт муассасаларида – 8,5 % (3 963 та) қайд этилди. Шу билан бирга, 2025 йилда мажбурий меҳнат ҳолатлари бўйича 38 та мурожаат келиб тушган бўлиб, Давлат меҳнат инспекцияси томонидан ўрганишлар давомида 35 таси ўз тасдиғини топди ва қонунчиликда белгиланган тартибда тегишли мансабдор шахслар маъмурий жавобгарликка тортилди. Эътиборлиси, ушбу мансабдор шахсларнинг катта қисмини таълим соҳаси вакиллари ташкил қилган. Статистикага кўра, мажбурий меҳнат соҳасида ҳудудларда мансабдор шахслар, айниқса таълим тизимидаги раҳбар ва бошқарув ходимлари билан тизимли тушунтириш ишлари ташкил этилиши зарурияти мавжудлиги кўринмоқда. Корхона ва ташкилотларда меҳнат фаолиятини амалга ошираётган ходимлар хатловлар ўтказилиб, 18 мингдан ортиқ корхона ва ташкилотларда 469 мингдан ходимдан 88 685 нафари норасмий бандликдан чиқарилди ҳамда қонунчиликка мувофиқ расмийлаштирилди. Ташқи меҳнат миграцияси соҳасида Миграция агентлиги томонидан хорижда ишлаш истагини билдирган фуқаролар бандлигини таъминлаш мақсадида 37 та идоралараро келишув имзоланди ва 34 та давлатдаги 805 та иш берувчи билан ҳамкорлик йўлга қўйилди. 2026 йил 1 январдаги статистикага кўра, Навоий вилоятида ўсиш суръати 101,6 фоизни ташкил этди. Шунингдек, 2025 йилда Навоий вилоятига кўчиб келганлар сони (14284) ва кўчиб кетганлар сони (16437) ўртасида фарқ 2153 тани ташкил этди. Бу ўз навбатида вилоятда маҳаллий аҳоли томонидан фаол миграция жараёнлари кетаётганлигини билдиради. Ва бу ҳолат ўз навбатида аҳоли билан ҳуқуқий хабардорликни ошириш ишларини кўпайтириш лозимлигини англатади.

Шундан сўнг, вилоят ички ишлар, камбағалликни қисқартириш ва бандлик, соғлиқни сақлаш, мактабгача ва мактаб таълим бошқармалари, шунингдек, Касаба уюшмалари Федерацияси вилоят Кенгаши, “Истикболли авлод” ижтимоий ахборот маркази Навоий бўлими раҳбарлари ва вакилларининг ҳудудий комиссия фаолияти тўғрисида 2025 йилда амалга оширилган ишлар ва 2026 йилдаги устувор вазифалар тўғрисида ҳисоботлари эшитилди.

Шу билан бир қаторда, туман (шаҳар) комиссияларининг таклиф ва мулоҳазалари тингланди.

Кун тартибидаги масала юзасидан билдирилган фикр-мулоҳазалар ва таклифларни муҳокама қилиб, ҳудудий комиссия

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Одам савдосига қарши курашиш ва муносиб меҳнат масалалари бўйича вилоят ҳудудий комиссияси аъзоларининг 2025 йилда амалга оширилган ишлар ва 2026 йилдаги устувор вазифалар тўғрисида ҳисоботлари маълумот учун қабул қилинсин;

2. Одам савдосига қарши курашиш ва муносиб меҳнат масалалари бўйича вилоят ҳудудий комиссиясининг (кейинги ўринларда – “Ҳудудий комиссия”

деб юритилади) 2025 йилда олиб борган фаолияти “қониқарли” деб топилганлиги кўрсатиб ўтилсин.

3. Худудий комиссия аъзолари:

одам савдоси ҳамда муносиб меҳнат масалалари билан боғлиқ муурожаатларга ҳар томонлама пухта ёндашув билан ўрганилишини таъминласин;

хорижий давлатларда меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун кетиш мақсадида бўлган шахслар билан профилактик тадбирлар ҳамда тарғибот ишларини амалга оширсин;

хорижга чиқиб кетган ва қайтиб келган фуқароларнинг рўйхатини доимий янгилаб бориб, улар билан яқка тартибда суҳбатлар ўтказиш ва бандлигига кўмаклашиш дастурларини ташкил қилсин;

одам савдоси ва муносиб меҳнат масалалари бўйича тарғибот ишлари амалга ошириш давомида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланишни йўлга қўйсин;

одам савдосига қарши кураш ва муносиб меҳнат масалалари бўйича амалга оширилаётган тарғибот-ташвиқот дастурларининг олис ва чекка маҳаллалардаги улуши ва кўламини ошириб борсин.

4. Ички ишлар (Тасбаев), оила ва хотин-қизлар (Мамадиярова) ҳамда ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг вилоят худудий (Ражабов) бошқармалари:

одам савдосига оид жиноят содир этишга мойиллиги бўлган ёки унинг таъсирига тушиб қолиши эҳтимоли бўлган шахсларнинг рўйхатларини шакллантириб, улар билан манзилли профилактик ишларни жадаллаштирсин;

одам савдосига оид жиноят содир этиш ҳамда ушбу жиноятдан жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган хотин-қизларнинг муаммоларини ўрганиб, бартараф этиш чораларини кўрсин;

одам савдоси жиноятларини эрта аниқлаш уларга йўл қўймаслик чора-тадбирларини тизимли давом эттирсин;

фуқароларни хорижга ноқонуний юбориш билан шуғилланувчи шубҳали жисмоний ва юридик мақомдаги субъектлар фаолияти устидан назоратни кучайтирсин.

5. Ички ишлар бошқармаси (Тасбаев), маҳаллалар уюшмасининг вилоят худудий бошқармаси (Облакулов) ҳамда соғлиқни сақлаш бошқармаси (Сафоев) чет элдан қайтган фуқароларни чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказиш ва касаллик аниқланган шахсларни соғломлаштириш тадбирларини амалга ошириш бўйича амалдаги дастурлар самарасини оширишга қаратилган идоравий қўшма қарор лойиҳасини ишлаб чиқсин.

6. Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бош бошқармаси (Хайруллаев):

2026 йил давомида ноқонуний меҳнат муносабатларига чек қўйиш, яширин иқтисодиётда меҳнат қилаётган ишчиларни легаллаштириш бўйича назорат тадбирларини кучайтирсин;

янгидан ташкил этилаётган иш ўринларида муносиб меҳнат шароитлари яратилганлиги қатъий назоратга олсин.

7. Касаба уюшмалари Федерацияси вилоят Кенгаши (Тоғаева)га вилоят ҳудудларида янгидан ташкил этилётган хўжалик юритувчи субъектларда ишчи-хизматчиларни касаба уюшмаларига аъзо қилиш ва шу орқали уларни ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш чораларини кўриш тавсия этилсин.

8. Омбудсманнинг Навоий вилоятидаги минтақавий вакили (Джўраев) ҳудудий комиссия аъзолари ва ташкилотлар билан ҳамкорликда “Омбудсман мактаби” ва “Омбудсман соати” платформалари доирасида мунтазам равишда маҳалла фуқаролар йиғинларида ҳамда таълим муассасаларида одам савдоси, мажбурий меҳнат, меҳнат миграцияси каби мавзулари бўйича тарғибот тадбирларини ва интерактив дарсларни ташкил қилсин.

9. Республика “Истиқболли авлод” ижтимоий ахборот маркази Навоий бўлими (Душанова)нинг умумий ўрта таълим мактабларида ўқувчиларни одам савдоси турлари, келиб чиқиш сабаблари, хавфи ва уларни олдини олиш бўйича ҳуқуқий билимларини ошириш мақсадида интерактив тренингларни ташкил этиш ва ўтказиш ҳақидаги таклифлари маъқуллансин.

10. Мактабгача ва мактаб таълими бошқармаси (Хайитова)га “Истиқболли авлод” ижтимоий ахборот маркази билан интерактив тренингларни ташкил этиш ва ўтказиш масалаларида амалий-услубий ҳамкорлик қилиш вазифаси топширилсин.

11. Вилоят телерадиоканали ДМ (Муқимов)га одам савдосига қарши курашиш ва муносиб меҳнат масалалари бўйича ҳудудий комиссияси фаолиятига оид ахборотлар ва эришилган натижаларни телевиденияда кенг ёритиш, аҳоли орасида огоҳликни оширувчи ижтимоий роликлар намойишини купайтириш тавсия этилсин.

12. Туман (шаҳар) ҳокимлари ҳамда мутасадди корхона ва ташкилотлар раҳбарлари ҳудудий комиссиянинг мазкур баёнида белгиланган топшириқларни ўз муддатида ва сифатли бажарилишини ташкил этсин ҳамда амалга оширилган ишлар юзасидан ҳар чоракда ҳудудий комиссияга маълумотлар тақдим этиб борилишини назорат қилсин.

13. Ушбу мажлис баёнида белгиланган топшириқлар бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳудудий комиссия раиси ўринбосарлари (Тасбаев, Хайруллаев) зиммасига юклансин.

Баёнлаштирди:


У.Шарипов

